

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Муслим АТАЕВ

ИМОМ УСТРУШАНИЙ



«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент–2010

Масъул муҳаррир:
Шайх Абдулазиз Мансур

Такризчилар:
Абдурашид Абдуллаев – тарих фанлари номзоди,
Иброҳим Усмонов – тарих фанлари номзоди

Рисолада мусулмон дунёсида “Соҳиб ал-фусул” номи билан машҳур бўлган фақиҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ёритилган. Алломанинг устоз ва шогирдлари, асарлари ҳақида маълумотлар, фикҳий асарларидан намуналар келтирилган.

Рисола исломишунослар ва соҳа бўйича мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2056-сонли тавсияси билан нашр этилди.

Рисоланинг нашр этилишида Абдумутал Закурлаев ва Жамиид Султоновлар ҳомийлик қилган.

ISBN 978-9943-306-95-0

© Муслим Атаев
© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

КИРИШ

Аждодларимизнинг маънавий, маърифий, илмий ва диний соҳаларда қолдирган мероси ёш авлод тарбияси ва маънавий камолотига хизмат қилувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Кўп минг йиллик тарихий-ҳуқуқий меросимизга, ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак Марказий Осиё ислом дини кириб келганидан кейин фикҳ, тафсир, ҳадис, калом илмлари, араб тили фанлари ривожининг марказига айланганига ва ушбу фанлар бўйича буюк алломалар етишиб чиққанига гувоҳ бўламиз.

Мовароуннаҳр халқларининг маънавий маданияти хазинасида муҳим ўрин тутган фақиҳларнинг ҳуқуқий меросини ўрганиш халқимизнинг бугунги маънавий уйғонишида ғоят катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Марказий осийлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуқи, айниқса, ҳанафий мазҳаби ривожини йўлида унутилмас хизматлар қилиб, ўзларидан барҳаёт асарлар қолдирганлар. Шундай уламолардан бири Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийдир. Аллома ўзидан сўнг ҳозирги кунгача ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган улкан илмий мерос қолдирди. Хусусан, унинг қаламига мансуб “Китоб ал-фусул”, “Жомий аҳком ас-сигор” ва “ал-Асъила ва-л-ажвиба” асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Рисолада аллома ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти атрофлича таҳлил қилинган. Буюк алломанинг асарларидан қилинган айрим ўзбекча таржималар берилган. Бинобарин, ушбу рисола мутлақ қилган ҳар бир ўқувчи буюк фақиҳ ҳаёти ва илмий мероси ҳақида муайян билимларга эга бўлади, деб умид қиламиз.

УСТРУШАНИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Абулфатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Хусайн ибн Аҳмад Уструшаний XII асрнинг охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда яшаб, юксак илмий салоҳияти билан фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшган алломалардан биридир. Олим Уструшанада туғилиб, кейин оиласи билан Самарқандга кўчиб ўтади ва шу ерда ижодий фаолият олиб боради. Уструшанийнинг ҳаётлик даври Самарқанд фикҳ мактаби ривожининг сўнгги даври ва мўғуллар истилосининг дастлабки босқичига тўғри келади.

Аллома ҳақида бизгача кўплаб манбалар етиб келган бўлса-да, уларда буюк факих шаънига қисқача тавсиф-мадҳдан сўнг, асосан, унинг асарлари борасида сўз юритилганини қайд этиш лозим.

Ҳанафийлик мазҳабига оид табақот туркумидаги манбаларда ҳам Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний ҳақида жуда қисқа фикрлар келтирилади. Хусусан, Абдулқодир ибн Абулвафо Қураший (ваф. 775/1373), Ҳожи Халифа (ваф. 1067/1657), Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) ва Хайриддин Зириклий (ваф. 1399/1979) каби биографлар асарларида келтирилган маълумотлар фикримизнинг исботи бўла олади.

Уструшаний ҳаёти ва ижодий мероси ҳақидаги маълумотларга оидинлик киритишда олимнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган табақот жанрига оид манбаларда қайд этилмаган, илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келаётган «ал-Аъсила ва-л-ажвиба» («Саволлар ва уларга жавоблар») асари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, мавжуд манба ва тадқиқотларда Уструшаний 632/1234–35 йилда вафот этган, деб қайд этилиб, туғилган йили ҳақида умуман маълумот берилмайди. Аммо олимнинг ўзи «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарининг хотима қисмида: «Лекин кунлар 60 ёшли оксоқ кампир сингари ўз ёпинчиғига ўралиб, мендан юз ўгириб кетди. – Китобни тамомлаш тонги хижрий 637 сананинг зу-л-қаъда ойининг олтинчи куни пешиндан олдинроқ ёришди», – деб муҳим маълумот беради. Унга таяниб, олим хижрий 637/1240 йилда ҳали ҳаёт, ёши эса 60 ёшда бўлгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Айни пайтда, ушбу маълумот унинг туғилган санаси 577/1180 йил деб белгилаш учун асос бўлади. Аммо олимнинг вафот этган санаси ҳозиргача номаълумлигича қолмоқда. Биз юқоридаги маълумотларга таяниб, Уструшаний тахминан 637/1240 йилдан сўнг вафот этган дейишимиз мумкин.

Аллома “Китоб ал-фусул” асарининг муқаддима қисмида ўзининг ёшлик йиллари ҳақида шундай дейди: *“Ўзимни мураккаб масалаларни мутолаа қилишга ва дақиқ (нозик) далилларни мушоҳада этишга ўргатиб, тасниф этилган ажойиб китоблардан баҳраманд бўлишга ва аҳком соҳасида таълиф этилган ҳалол ва ҳаром нималиги баён қилинган асарлардан тўғри йўл излаб топишга ҳимматимни жалб қилдим”*.

Уструшанийнинг илмий дунёқараши шаклланишида оилавий муҳитнинг аҳамияти салмоқли бўлган. Уни бир неча авлод фақиҳлар сулоласининг давомчиси бўлган, дейишга ҳақлимиз. Хусусан, кўпгина манбалар унинг бобоси Маждуддин Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний ўқимишли ва зиёли оилада тарбия топгани ва фикҳ илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшгани, отаси Маҳмуд ўз замонасида “Жалолуддин” (“Дин улуғлиги”) деган шарафли унвонга сазовор бўлгани ҳақида гувоҳлик беради. Амакиси Бурҳониддин Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний ҳам фақиҳ бўлиб, “Китоб ал-фатово” номли фикҳий асар таълиф этган. Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний ўзининг «Китоб

ал-фусул» ва «ал-Аъсила ва-л-ажвиба» асарларида унинг фикрларидан кенг фойдаланган.

Шунингдек, онасининг бобоси «Шамс ал-аъимма» («Имомлар куёши»), тоғаси Муҳаммад ибн Аҳмад эса «Шамс ад-дин» («Дин куёши») деган шарафли унвонларга эга бўлгани ҳам олим камол топган илмий муҳитнинг юксак салоҳияти ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Шу нуктаи назардан қараганда, унинг илк устози отаси Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний бўлган. Мавжуд манбаларда унинг Бурҳониддин Марғиновичнинг шогирди сифатида зикр этилиши, шаънига қисқача мадҳ битилиши, унинг илм аҳли орасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлганидан дарак беради. Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийнинг «ал-Фавоъид» номли фикҳий асари маълум.

Аллома “Жомий аҳком ас-сиғор” асарининг хотимасида отаси ва бобоси ҳақида шундай ёзади: *“Отам Шайхул имом ал-муттақий Жалолу-л-милла ва-д-дин муфтиу-л-умма Маҳмуд ибн шайху-л-имом ал-ажал ал-кабир мажиду-л-милла ва-д-дин Ҳусайн ибн Аҳмад, отамнинг умрини узоқ қилсин ва отасини раҳмат қилсин.... ва китобни 1228 йилнинг 9 июль кунини кечаси тугатдим”*. Юқоридаги маълумотга таяниб, Уструшанийнинг бобоси Ҳусайн ибн Аҳмад Уструшаний 1228 йилдан олдин вафот этган, отаси Маҳмуд эса 1228 йилда ҳаёт бўлиб, кейинроқ Самарқандда оламдан ўтган, дейишимиз мумкин.

Уструшаний шаклланган илмий муҳит асосан ҳанафий мазҳаби олимлари таъсирида бўлган. Кўпчилик тарожум асарларида Уструшанийнинг икки ёки уч устози зикр этилади холос. Бунга сабаб, балки олимга кўпроқ таҳсил берган устозини зикр этиш билан кифояланиш бўлса керак. Унинг асарларида ўз давридаги кўплаб олимларнинг сўзлари, ривоятлари келтирилган. Олим уларни ўз асарларида зикр этган.

Манбалар **Бурҳониддин Марғинович** Маҳмуд ва Муҳаммад Уструшанийларнинг устози бўлганини тасдиқлайди. Марғиновичнинг Имоми Аъзам Абу Ҳанифа

Нўъмон ибн Собит асос солган ханафий мазхаби, яъни ҳуқуқий мактабига мансублиги ҳам унинг ўсиб, камолот чўққисига кўтарилиши учун муҳим омил бўлган. Марғиновий ўз асарларида шариатнинг учта асосий манбаи (Қуръон, Сунна, ижмо)дан кейин, тўртинчи манба бўлмиш қиёсга катта эътибор қаратган. Шунингдек, халқ ичида ёйилиб, уларнинг ҳаётига сингиб кетган урф-одагларни ҳам ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда қўшимча манба сифатида кенг қўллаган.

Буюк аллома умрининг охирларида Самарқандда яшаб, ижод этиб, 593/1196 йили ўша ерда дунёдан ўтган. Шомийнинг «Дурр ал-мухтор» асарида ёзишича, улуғ фақиҳ Самарқанддаги 400 га яқин Муҳаммад отли фақиҳлар дафн этилган Муҳаммадийлар қабристони «Турбат ал-Муҳаммадийийин» ёнида дафн этилган экан.

Ўз замонасининг мужтаҳид олимлари қаторида тилга олинган **Носириддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Юсуф Хусайний Самарқандий** ҳам Уструшанийнинг устозларидан бири ҳисобланади. У «ал-Фикҳ ан-нофиъ», «ал-Жомий фи-л-фатово», икки жилдлик «Масобиҳ ас-субул», «Аймон ан-навазил», «Китоб ал-ахсоф», «Маъал ал-фатово», «ал-Мултақат фи-л-фатово» каби фикҳга оид қатор асарлар тасниф қилган. Олим 556/1161 йилда Самарқандда вафот этган.

Муҳаммад ибн Маҳмуд Уструшаний Носируддин Самарқандийни ўзининг ғоявий устозларидан бири деб ҳисоблаган ва унинг асарларидан унумли фойдаланган.

Ўз замонасининг етук алломаларидан бири **Захириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий** (ваф. 619/1222) ҳам Уструшанийнинг устозларидан ҳисобланади. Унинг «ал-Фатово аз-заҳирия» ва «ал-Фавоъид аз-заҳирия» номли фикҳий асарлари маълум.

Умуман олганда, Уструшаний фикҳ илми Марказий Осиёда ривож палласига кирган бир даврда тарбия топган ва унинг дунёқараши, қолаверса, илмий тафаккури шу муҳит таъсирида шаклланган, дейиш мумкин.

Ўз навбатида Уструшаний кўплаб шогирдлар ҳам тарбиялаб етиштирган. Шулардан бири факих, мухаддис ва муфассир Хусомуддин Муҳаммад ибн Усмон ибн Муҳаммад Алиободий Самарқандийдир. У «Комил ал-фатаво», «Матолиъ ал-маоний» ва «Манба ал-маоний» каби фикҳий асарлар яратган.

Уструшанийнинг устоз ва шогирдлари ҳақидаги маълумотлар унинг фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшганини тасдиқлайди. Уструшанийнинг ёшлик даврида Самарқанд Мовароуннаҳрнинг энг йирик маданият марказларидан бири бўлган. Шу сабабли ҳам, Уструшанийнинг фаолияти ундаги илмий муҳит билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланган. Олим минтақадаги умумий илмий-маънавий ҳолатдан ҳар томонлама бохабар бўлган, унинг маҳсули ва кўзгуси ҳисобланади.

АЛЛОМАНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ

Маълумки, III асрдан бошлаб мусулмон оламида фикҳ илмига қизиқиш аввалги даврларга нисбатан кучая бошлади. Бу пайтларда фикҳий мазҳаблар ҳам шаклланиб бўлган эди. Ҳанафий мазҳаби IX асрдан бошлаб Марказий Осиё ҳудудида кенг тарқала бошлади ва халқимизнинг асосий мазҳабига айланди. Марказий осийлик олимлар Абу Ҳанифа ва унинг мумтоз шогирдлари Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Абу Юсуф асарларига асосланиб, жуда кўплаб илмий китоблар ёздилар ва ушбу мазҳаб таракқиётини юксак поғоналарга кўтардилар. Бундай асарлар қаторида Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн Уструшанийнинг «Китоб ал-фусул», «Жомий аҳком ас-сиғор», «Қуррат ал-айнайн фи ислоҳ ад-дорайн», «ал-Фатово», «ал-Қуруд ва-д-дуйун» ва «ал-Асъила ва-л-ажвиба» асарлари алоҳида ва ўзига хос ўринга эга.

Имом Уструшанийнинг илк “Китоб ал-фусул” асари қозиларнинг амалиётдаги ишларини енгиллаштириш мақсадида ёзилган. Ҳанафий мазҳаби асосида қозилик ишлари бўйича ёзилган илк қўлланма фақиҳ Абу Юсуф (ваф. 182/798)нинг “Адаб ал-қози” асари ҳисобланади. Кейинчалик Абу Али Ҳасан ибн Зиёд ал-Лувлуъий ал-Қуфий (ваф. 204/820), Аҳмад ибн Умар ибн Муҳайр Абу Бакр Хассоф аш-Шайбоний (ваф. 261/875), Абу Жаъфар Аҳмад ибн Исроқ ал-Анбарий ан-Наҳавий (ваф. 317/929)лар ҳам айнан ушбу йўналишда асарлар ёзганлар. Шунингдек, ҳанафий мазҳаби асосида яратилган “ал-Удда”, “ан-Навозил”, “аз-Захира”, “ал-Воқиот”, “ал-Мунтақо”, “ал-Фатово ас-суғро”, “Фатово Қозихон”, “Мажмуъ ан-навозил”, “ас-Сияр ал-кабир”, “ал-Муҳит”, “ал-Мултақот”, “ал-Ҳидоя”, “ал-Фатово ал-Баззозия” ва бошқа кўплаб фикҳий асарларда ҳам қозилик масалаларига тўхталиб ўтилган.

Одатда қозихоналарга кўпроқ оилавий, молиявий ҳамда ҳақ-ҳуқуқлар ҳимоясига доир масалаларда мурожаат қилганлар. Бу каби масалалар юқорида номлари қайд этилган асарларда тарқоқ ҳолда берилган эди. Бир марта сўралган саволга жавоб бериш учун қози ёки муфтий ўнлаб, ҳаттоки, юзлаб фикҳий асарларни кўриб чиқиши керак бўлган. Муаллиф шундай қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадида, ўзидан олдин ўтган ханафий мазҳаби фақиҳлари томонидан яратилган қозиликка доир масалаларни бир жойга жамлаб, ўзининг “Китоб ал-фусул” номли асарини таълиф қилган.

Ушбу асарнинг яратилишига тўхталиб аллома “... умримнинг навқиронлик йилларини мазкур уламоларнинг мумтоз тўпламлари ва дурдона мавзуларини кўриб чиқишга сарф этдим. Уларнинг бу соҳада чуқур ва чиройли иш қилиб, латиф ва нафис из қолдирганларини кўриб, бу ҳазинадан бир ҳамён олиш ва бу илм денгизидан бир дона гавҳарни ўзлаштириб, улардан мазкур илмлар йўлига бошиловчи усуллар, улар юрган изларга етакловчи фаслларни бир китобга жамлаб қўйишга азму қарор этдим. Уларнинг асарларидан қозилик ва даъвогарликка доир масалаларни танлаб, фатво китобларидан шу мавзуга доир фатволарни ҳам уларга қўшдим”, – деб ёзади.

Асарни ёзишдан кўзлаган мақсади ҳақидаги фикрларини давом эттирар экан Уструшаний қозилик ва даъвогарликка, яъни бир мақсадга йўналтирилган фатволарни бир жойга жамлашга эҳтиёж катта эканини таъкидлаб, камтарлик билан: “Мақсадим – шу майдонда бир кўчат қолдириш ва подага бир қўзичоқни қўшиб қўйиш эди. Зеро, улар ҳаётда кўп учрайдиган масалалар бўлиб, уларга бағишлаб ёзилган усул ва амалиёт асарлари кўпдир”, – деб ёзади. Шунингдек, асарда никоҳ, талоқ, ва муомала (савдо-сотик) масалаларига алоҳида эътибор берилгани сабабига тўхталиб “... булар маиший ҳаётда кўп учрайдиган ва қозиларга кўп мурожаат қилинадиган масалалардир”, – деб қайд этади.

Умуман олганда, ўз замонасида фатво чиқариш ҳуқуқига эга бўлган олимлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган алломанинг юздан ортиқ машхур мужтаҳид ва фуқаҳоларнинг китобларидан фойдаланган ҳолда ёзилган *“Китоб ал-фусул”* асари ўз даври қозиларнинг ишини ислоҳ қилиш, енгиллаштириш ва уларга илмий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш мақсадида амалий қўлланма сифатида тайёрланган, дейиш мумкин.

Мазкур асар 625/1228 йилда мўғул истилочилари Самарқандни босиб олган даврда ёзилган. Мўғуллар босқини оқибатида Мовароуннаҳр аҳолиси жуда катта моддий ва маънавий талафотлар кўрган, халқ катта мусибатга учраган, масжид ва мадрасалар ёқилган, кўпчилик уламолар ўз Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди. Бундай ачинарли ҳолатга тўхталиб, олим шундай изтиробли фикрларни билдирган эди: *“Биз шундай замонда яшамоқдамизки, илм диёрининг эгаси ўлган, илмий мажлисхоналар ишдан тўхтаган, ислом аҳлининг дилларини бу фожиа куйдирган, ёқаларини бу мусибат чок айлаган, сочларини тўзитган, кўкракларига уриб, нафаслари бўғилган, юзларини юлиб қолганлар”*.

Асарни изчил ўрганиш Мовароуннаҳр қозилик маҳкамалари ўрта асрларда мукаммал тизим асосида фаолият юритган, деган илмий хулоса чиқариш имконини беради. Жумладан, мўғуллар истилоси даврига келиб қозихоналарда оилавий, мулкӣ ва жиноӣ масалалар бўйича кўрилган масалаларнинг барчаси бир расмӣ котиб томонидан ёзиб борилган. Бу қозихоналарда ишни ташкил этишда жиноӣ иш қўзғаш, даъволашиш, ўзини ҳимоя қилиш, исботлаш, қасам ичириш, ҳукм чиқариш каби институтларнинг ҳам ривожланганидан дарак беради. Бундан ташқари, даъвони кўриш асносида қўшимча ва зарурий маълумотлар олиш лозим топилса, қозининг жавобгар шахс истиқомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шахар қозисига юбориладиган расмӣ хужжатлар билан мурожаат қилгани ўрта асрларга келиб қозилар кенг миқёсда фаолият олиб

борганидан далолат беради. Бу даврда Мовароуннаҳр қозихоналарида жиноят ва жазо, даъво ва хусуматларни ҳал қилишдан ташқари қаровсиз қолган, вояга етмаган болалар, вақф ёки эгасиз мулкларни бошқариш ишлари юзасидан ҳам ҳукм қилиш ҳуқуқи бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юқоридаги масалалар бўйича асар таҳлил қилинганда XIII асргача ҳамда мўғуллар истилосининг дастлабки саккиз йили ичида қозилик маҳкамаларида қуйидаги муносабатлар бўйича ишлар кўрилган:

Шахсий ҳуқуқлар: Қасам ичиш ва ичириш одоблари, бир гувоҳга биноан ҳукм чиқариш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш.

Жавобгарлик: Ўзи йўқ кишининг устидан ҳукм чиқариш ва жиноий иш кўзғаш, оилавий ажрим масалаларида даъвогар ёки жавобгарнинг иштирокисиз ёки қозининг ўзида бор маълумотга қараб иш кўриш, мажбурланган кишига тегишли ҳукмлар ва имкониятлар, ҳаром ишларга зўрлаш, жавобгар қочиб кетган пайтда унинг устидан ёки ўзи йўқ кишининг орқасидан қозихонага арз қилиш, бедарак шахснинг устидан чиқарилган ҳукм бекор бўлиш ҳолатлари, озод қилган кишининг ҳимоясида қолиш, шартнома асосида озод бўлиш.

Фуқаролик ҳуқуқи: Даъволарнинг бир-бирига зид келиб қолиши ва ҳалақит берадиган ҳолатлар, гувоҳликда хилма-хиллик ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, одамлар орасида тарқалган гаплар асосида иш кўриш ва ҳукм чиқариш, тақиқланган тасарруфлар, ижарага олинган нарсаларни сотиб юбориш ва гаровга қўйиш масалалари.

Фуқаролик мулкӣ ҳуқуқлар: Баъзи ҳақдор кишиларнинг даъво ва хусуматларининг баёни, икки киши бир жойни ҳар бири ўзига тегишли экани борасида тортишиши, судда ўзаро норозилик ҳолатлари, ер ва уни чегаралаш, гувоҳлик бериш ва қўчмас мулк бўйича ҳамда битим тузишда харидорга бериладиган танлов ҳуқуқи, мулкнинг икки кишига тегишли бўлиши ҳақидаги ва бегона одамнинг мулк талаб қилишнинг зикри ҳақидаги масалалар, вояга етмаган норасидага ёки вақф мулкига тегишли ерни зўравонларча

эғалик қилган деб ҳисобланган кишига бериладиган жазо, қозиларнинг иш юритишлари, қарама-қаршиликлар, меросни тақсимлаш, эр қолдирган мол-мулкдаги маҳр бўйича ҳукмий далиллар, шартномаларда ноўрин шартларни киритиш, чиқарилган ҳукмлардаги эътирозга сабаб бўлган жумлалар ва улардаги камчиликлар.

Ворислик ҳуқуқи: Даъвогар бўлишга салоҳиятли ва салоҳиятсиз кишилар, даъво қилувчининг норасида бола билан даъволашганда қозидан васий тайинлашини талаб қилиши, бир ақлсиз киши устидан даъво қилиши, мутавалли бирон бир вақф мулкани, ушбу мулк бир шахснинг мулки эканини асоссиз эътироф этиши, ижарага олинган молни аслида меники деб, эътироф қилиши, вафот этганлиги сабабли ворисликнинг исботи ҳақидаги ҳамда ота, васий, қози, мутавалли ва маъмурларнинг мерос тақсимидаги тасарруфлари (бошқарувлари) масалалари.

Никоҳ ва оила ҳуқуқи: Никоҳ, маҳр, нафақа тайинлаш, уй жиҳозлари устидан ҳамда нафақадан ожизлик сабабли эр-хотинни ажратиш даъвоси, хуль (аёл кишининг ўз эридан мол эвазига талоқ талаб қилиш) масалалари.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Ўз ҳуқуқини бошқага ўтказиш, низолашувчи томонлар ўртасида жанжални бартарф қилиш учун қозихонага юборилган ҳукмий далиллар, ярашув асосида низони ҳал қилиш, қози томонидан жавобгар шахс истикомат қилиб турган ёки сафарда бўлиб турган шаҳар қозихонасига юбориладиган расмий ҳужжатлар, даъвода ва гувоҳлик беришда имо-ишора қилиш, меросхўрлар ва қарзнинг турлари, омонат берувчи ва олувчининг ҳақ-ҳуқуқларига доир масалалар, вақф мулкани меники деб даъво қилиш ва унга гувоҳ келтириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтилган.

Бошқарув: Қозини ишдан озод қилиш, вакил, маъмур, элчи, васий ва мутавалли тайинлаш, “дор ул-ислом” (мусулмон мамлакати) қандай қилиб “дор ул-ҳарб” (куфр мамлакат)га айланиб қолишга доир масалалар, боғийлар ва уларнинг амалдор тайинлашлари.

“Китоб ал-фусул” асарида кўтарилган масалаларни таҳлил қилиш орқали шундай хулосага келиш мумкинки, қозихоналарда ибодатга тааллуқли масалалар кўрилмаган, балки жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммолар кўриб чиқилган ва ҳал қилинган. Шаклан ўзгача бўлса ҳам, моҳият ва мазмун, кўзланган адолат нормалари бир хил бўлгани боис фақиҳларнинг фаолияти замонавий судлар фаолиятига ўхшаб кетади.

Уструшанийнинг **“Китоб ал-фусул”** асарида қози тайинлаш хусусида замона қарашлари атрофлича баён қилинган. Уламолар қозилик мансабини жуда масъулиятли касб ҳисоблаб, бу ишни қабул қилиш жоиз ёки жоиз эмаслиги хусусида турлича фикр билдирганлар:

Қози тайинлаш хусусида. Подшоҳ бир кишини қози этиб тайинлаётганида ҳужжатига фалон шаҳар қозиси деб ёзган бўлса, унинг ҳудудига кишлоқлар кирмайди. Агар улар ҳужжатда қайд этилган бўлса, киради.

Подшоҳ бир минтақа қозилигини икки кишига тайин этса, улардан ҳеч қайсиси алоҳида ҳукм чиқармайди. Борди-ю, подшоҳ ҳар иккиси алоҳида ҳукм чиқарсин, деб ёзиб берган бўлса, бу масала хусусида ривоят йўқ. Қозининг ваколатида қайд этилмаган бўлса ҳам ўринбосарлар олиб, ишни топширса ва у ҳукм чиқарса, ҳукми ўтмайди. Буни қози соғлигида қилган бўлсин, хоҳ бетоблигида ёки сафарга чиқишида, фарқи йўқ. Агар қози подшоҳдан изн олиб ўринбосар қўйса, у подшоҳ томонидан қўйилган бўлади. Энди уни қози ишдан бўшата олмайди. Аммо подшоҳдан изн сўралганда, хоҳлаган кишининг қўявер ёки хоҳлаган кишингга алмаштиравер, деган бўлса, қози ўринбосарини бўшатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўринбосар олишга рухсати бўлмаган қози ўринбосар олса-ю, у қози ҳузурида ҳукм чиқарса, ҳукми ўтади. Бу савдодаги вакил масаласига ўхшайди. У ҳам вакил сайлаган одам ҳузурида сотса дуруст эди. Агар ўринбосар ҳукм чиқаргандан кейин чиқарган ҳукмини қозига кўрсатилганда, у ижозат берса, ҳукм ўтади.

«Захира» китобида ёзилишига кўра, подшоҳ бир кишига «мен сени қози қилдим» деса, у оддий қози бўлади ва ўз ўрнига ўринбосар тайин эта олмайди. Аммо «мен сени қозилкузот, яъни бош қози қилдим» деса, шундагина у бошқа оддий қозиларни тайинлаш ва ишдан озод қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар подшоҳ бир кишига «Сенга фалон вилоятни бердим» деса, у ҳам қози тайин этиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Зеро, бу мол-дунёни қабул қилиб олиш ихтиёрини топширишидир.

Агар подшоҳ кимнидир бир вилоятга амир этиб тайинлаб, у ернинг хирожи (ер маҳсулотидан олинадиган солиқ)ни ҳам унинг ихтиёрига топшириб, аҳолини умумий тарзда тасарруф этишни очиқ айтган бўлса, шундагина у ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Агар халифа бир мамлакат шоҳига «Кимни хоҳласанг, унга қозилик мансабини бер» деса, бу дуруст ҳисобланади. «Захира» китобида зикр этилишига кўра, агар «бирор кишига мансаб бер» деса, бу қози тайинлаши учун асос бўла олмайди. «Ваколат китоби» да бунинг зидди ёзилган. Лекин вакиллик ҳам қозиликка қиёс қилинади.

Бир мамлакат аҳолиси бир кишини подшоҳ этиб сайлаб, унга байъат қилсалар, у подшоҳ ҳисобланади. Лекин қозиликни бунга таққослаш мумкин эмас. Зеро, олдингиси зарурат, кейингиси аксинча, унга тобе масаладир.

Подшоҳ бир кишини бир вилоятга қози этиб тайинлагандан бир неча кун кейин иккинчи кишини ҳам ўша ерга қози этиб тайинласа, иккинчи қози тайинланиши билан биринчи қози ўз-ўзидан бўшаб қоладими ёки йўқми, деган масалада уламолар турлича фикр билдирганлар. Лекин то фармони олий бўлмагунича биринчи қози ишдан бўшаган ҳисобланмаслиги аниқроқ ва ҳақиқатга яқинроқдир.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос анъана ва шароитлари таъсирида қозилик маҳкамаларида иш юритиш тизими фақиҳлар томонидан доимий тартибга солиб борилган. Мовароуннаҳрлик қозилар иш юритишларидан орттирган тажриба ва кўникмаларини қайд қилиш билан қозилик

ишларини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Жумладан, Уструшаний яшаган даврга келиб, қозилик маҳкамалари ишчи тузилмалари ташкил топган. Улар даъво ишларини кўриш ва ҳал этиш жараёнида бажарган муайян вазифаларнинг ҳуқуқий тамойиллар асосида белгиланганлиги, қозихона фаолиятининг шариат аҳкомлари билан бир қаторда демократик талаблар асосида шаклланганини, қозихоналар ишини ташкил этишда даъво кўзгатиш, ўзини ҳимоя қилиш, исботлаш каби институтларнинг ҳам мавжуд бўлганига амин бўлишимиз мумкин.

Мовароуннаҳрда қозилик маҳкамаси ишларининг шариат аҳкомларига кўра фаолият юритишида ҳанафий мазҳаби қонунлари асос қилиб олинган. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳанафий мазҳабига амал қилган давлатлардаги қозихоналар ишини юритишда ироқлик фақиҳлар ёзган бир қатор манбалар асосида иш қўрилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўзга ислом минтақалари ижтимоий турмушида юзага келган муаммоларнинг ечими учун жавоб бера олмас эди. Мана шу сабабларни инобатга олиб, мовароуннаҳрлик фақиҳлар жумладан, Уструшаний минтақа қозилик маҳкамалари учун мукаммал қўлланма сифатида “Китоб ал-фусул” асарини яратди. Аллома мазкур китобни тузишда аксарият маҳаллий фақиҳларнинг асарларига мурожаат қилди. Шуларни эътироф этган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, аллома нафақат ўз даври, балки кейинги давр Мовароуннаҳр қозихоналар ишини енгиллаштириш ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга бекиёс ҳисса қўшган.

Бола ҳуқуқлари, унинг ҳаёти, ривожланиши, таълими ва тарбияси ҳақида қайғуриш ҳозирги куннинг умуминсоний, халқаро муаммоларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши биланоқ баркамол авлод орзуси масалалари давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Хусусан бу борада Президент Ислоҳ Каримов: “Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга

ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида турган. Соғлом авлодни тарбиялаш барчанинг, бутун жамиятнинг, шу юртда яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчидир», – деб таъкидлайди. Ўзбекистон аҳолисининг 48,2 фоизини 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай эътиборнинг моҳиятини англаш мумкин.

Болалар билан боғлиқ масалалар ҳамма даврда ўзининг долзарб ва кўп қирралиги билан алоҳида хусусият касб этиб, жамият тараққиётини белгилашда, маънан баркамол, руҳан соғлом авлодни вояга етказишда катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид масалалар диний ва дунёвий қонунчилик соҳаларида ҳамма вақт ҳам қизиқарли ва муаммоли масалаларидан бири саналиб келинган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид масалалар нафақат ҳозирги куннинг, балки ўтмишда яшаган аجدодларимиз учун ҳам долзарб муаммо ҳисобланган.

Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихида асосан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига эътибор берилса-да, яқин-яқингача бола ҳуқуқлари муаммоларига умуман етарли аҳамият берилмас эди. Фақат XX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб мазкур масалада халқаро ҳужжатлар қабул қилина бошлагани, жумладан, 1923 йилда англиялик аёл Эглантайн Джебб томонидан асос солинган Болаларни қутқаринг Халқаро Кенгаши, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация (1959), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (1989) ва бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, бир ҳолатни алоҳида фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим. Тарихий манбаларга таяниб, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 625/1228 йил 9 июлда ёзиб тугатилган Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Уструшанийнинг “Жомий аҳком ас-сигор” (“Вояга етмаган болаларга тааллуқли шаръий ҳукмлар мажмуаси”) номли

асари мазкур йўналишдаги илк қадам бўлган дейишимиз мумкин.

Мусулмон оламида имом Уструшанийдан кейин ҳам болалар ҳақ-ҳуқуқларига тааллуқли фикҳий асар ёзилмади. Шу нуқтаи назардан қараганда, алломанинг «Жомиъ аҳком ас-сиғор» асари болалар ҳуқуқи хусусида ёзилган ягона фикҳий асар, деб хулоса қилишга ҳақлимиз. Аммо болаларга тааллуқли ҳадислар тўплами мавжуд бўлиб, у имом Шамсиддин Муҳаммад ибн Аби Бакр ибн ал-Қаййим ал-Жавзиййа (691/1292-751/1350 й.)нинг 17 бобдан иборат “Тухфат ал-мавдуд би аҳком ал-мавлуд” асаридир.

«Жомиъ аҳком ас-сиғор» асарида фикҳга оид юзга яқин китобларда тарқоқ ҳолда берилган ва болаларга тааллуқли шаръий фатволар жамланган. Шу жиҳатлари билан бу асар ҳозирги замон исломшунос ва ислом ҳуқуқи тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим манба ҳисобланади. Асарда XIII асргача ижод қилиб ўтган ҳанафий фақиҳлардан Бурҳониддин Марғиноний, шамсулаъимма Ҳалвоний, Фаҳриддин Қозихон, Қози Абу Али Насафий, Шайхулислом Низомиддин Марғиноний, Заҳириддин Марғиноний, Маҳмуд ибн Аҳмад Бухорий ва бошқаларнинг улардан сўралган турли фикҳий масалаларга берган жавоблари нақл қилинади.

Асар 1289 фатводан иборат бўлиб, уларни шартли равишда, ибодат, ахлоқ, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларга бағишланган қисмларга ажратиш мумкин.

Асарнинг ибодат масалаларига бағишланган қисми покланиш, намоз, закот, рўза, ҳаж, жонлиқ сўйиш ва қурбонлик каби олтита масалани ўз ичига олиб, 92 та фатводан иборат.

Амалий ибодат масалалари асосан тоат-ибодат мавзулари, яъни Аллоҳ ва бандаси ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Ибодатларни бажаришда ҳар бир оқил ва болиғ

кишининг ўзи масъул бўлиб, Аллоҳнинг олдида жавобгар ҳисобланади.

Олтита масалани ўз ичига олган **ахлоқий** қисм эса 120 та фатводан иборат бўлиб, улар қасам ичиш, диндан қайтиш, қочган қулнинг ҳақи, сулҳ, гувоҳлик, козининг бурч ва вазифалари каби масалалардан иборат.

Аллома асарнинг катта қисмини **ижтимоий** масалаларга бағишланган. Бу қисмда 516 та фатво бўлиб, улар норасидаларнинг берган хабарлари, никоҳ, талоқ, мерос, шафелик, ташландиқ бола каби масалаларга бўлинган.

Иқтисодий ва **молиявий** қисм 346 та фатводан иборат бўлиб, улар омонат қўйиш шартлари, совға-салом бериш, савдо-сотик олиб бориш қоидалари, ижара, улушни бўлиш, қўшма тижорат ва деҳқончилик, ҳуқуқи чекланган қул, даъвони рад қилиш, вақф, васийлар, вакиллик, кафиллик каби масалалардан иборат.

Асарда ўн тўртта масалани ўз ичига олган **фуқаролик процессуал ҳуқуқи** билан боғлиқ қисм 215 та фатводан иборат бўлиб, улар қулни озод қилиш, жазо ҳадлари, ўғрилиқ, макруҳ нарсаларга доир масалалар, талон-тарож қилиш, гаровга қўйиш, даъво қилиш, икром қилиш, мажбурлаш, жиноятлар, бошқа кишини жиноят қилишга буюриш, изн берилган қул, даъво ҳужжатлари, ҳуқуқларни чегаралаш масалаларидан иборат.

«Жомиъ аҳкам ас-сиғор» ислом ҳуқуқшунослигига оид қимматли манба бўлгани боис, унинг қўлёзма нусхалари дунёнинг турли мамлакатларига кенг тарқалган. Ушбу асар илк марта 1982 йил Ироқда Абдулҳамид Абдулҳолиқ Байзалий томонидан нашр қилинган. Нашрни амалга оширишда АҚШнинг Принстон университети (№ 1704), Ироқнинг Бағдод шаҳридаги «Ироқ миллий музейи» (№ 9626/1) ва Марказий вақфлар (№ 3741/1, №7460/1) ҳамда Мосул шаҳридаги «ал-Аҳмадийя» марказий вақф

(№ 9/7) кутубхоналарида сақланаётган 5 та қўлёзмадан фойдаланилган. Ушбу асарнинг икки жилдга бўлинган иккинчи нашри Қоҳирада Абу Мусъаб Бадрий ҳамда «ал-Азхар» университети ўқитувчиси Маҳмуд Абдурраҳмон Абдулмунъим томонидан чоп этилган. Унда асарнинг биринчи нашридан ва Мисрнинг «Дор ал-кутуб» кутубхонасида № 901 рақам остида сақланаётган қўлёзмадан ҳам фойдаланилган.

«Жомий аҳкам ас-сиғор»нинг ўн битта қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан чет эл кутубхоналарининг фондларида сақланувчи олти нусхаси илмий адабиётларда яхши маълум. Аммо Тошкентдаги № 6245, 9634, 10409, 8955 ва 12723/ II рақамлари остидаги беш нусхаси илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келмоқда эди. Бу нусхалар ҳам илмий аҳамиятга эга.

Бугунги кунда халқаро майдонда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар, хусусан, ҳомиланинг қачондан бошлаб инсон ҳисобланиши кенг мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Асарда «Тирик мавжудотнинг ҳаёти қачон бошланади?» «Бола қачондан бола ҳисобланади?» каби ҳозирда ҳам долзарб бўлиб қолаётган саволларга тўлиқ жавоб берилган. Асарда бола туғилмасидан аввал ҳам, туғилгандан кейин ҳам бола ҳисобланиши, болалар жисмонан, ақлан ва ижтимоий жиҳатдан вояга тўлиқ етмагунга ва мустақил бўлмагунга қадар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимояга муҳтожлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Жумладан, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга тарбия бериш ҳамда жамиятнинг тўлақонли аъзоси этиб шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш шариатдаги асосий талаблардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ислом ҳуқуқшунослиги асосида битилган ушбу асарда болалар ҳуқуқлари бўйича келиб чиқадиган муаммолар одилона ҳал қилиниб, ижтимоий ҳаётда болаларнинг хафсизлиги ва асосий ҳуқуқларининг дахлсизлигини

таъминлаш билан боғлиқ кўплаб саволлар муҳокама қилинган. Унда ушбу соҳада ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари учун жуда кўп аниқ далиллар ва кўрсатмалар берилган. Асар ислом ҳуқуқининг энг муҳим ва мукаммал тизимларини ўзида мужассам этиб, салкам саккиз асрдан бери ўзининг ҳаётийлигини исботлаб келаётган мўътабар манбалардан биридир. Уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш бизга диний ҳуқуқ тизимининг муҳим масалалари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Жомиъ аҳкам ас-сиғор» асарида ҳаётнинг асосий манбаи бўлган оила, унинг энг ширин меваси бўлмиш фарзандлар тарбияси, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ҳақ-ҳуқуқлари аниқ ва тўлиқ баён этилган. Энг муҳими, ислом динининг болалар ҳуқуқлари хусусидаги қарашлари бу соҳадаги замонавий қарашлар билан ҳамоҳангдир.

Манбаларда алломанинг **«ал-Фатово»** деб номланган яна бир фикҳий асари номи қайд этилади. Муаллиф мазкур асари хусусида ўзининг “Жомиъ аҳком ас-сиғор” асарининг хотима қисмида шундай таъриф беради: “...*биринчи асаримни “Китоб ал-фусул” деб номладим. ... иккинчисини “Жомиъ аҳком ас-сиғор” ... ва учинчисини “ал-Фатово” деб номлайман, деган умиддаман*”. Асарда кундалик ҳаётда учрайдиган масалаларнинг фикҳий ҳукмлари содда ва тушунарли бир услубда қисқа жумлалар билан ёритилган. Мавзулар кўпроқ ҳадиси шарифлар, мужтаҳид ва мутасаввифларнинг сўзлари билан изоҳланган.

Асар қирқ фаслдан иборат бўлиб, унда диннинг моҳияти, одоб-ахлоқ нормалари, илмлар таснифи, амри-маъруф ва наҳий мункар қилиш одоблари, Қуръон ёзиш ва уни ўқиганга ҳурмат кўрсатмоқ каби масалалар содда ва тушунарли баён этиб берилган.

Шунингдек, асарда фатво чиқаришга доир масалалар, бир мазҳабдан бошқасига ўтиш, киши болаларини одобга чақириши, хотинига баъзи бир нарсаларни таъқиқлашнинг ножоизлиги, ота-она ҳақлари, қарздорнинг охиратдаги жавоби, гуноҳ турлари, салом бериш одоблари, касал зиёрати, ҳайвонларни боқиш ва улардан фойдаланиш тартиблари, куш боқиш, шахмат ва бошқа ўйинлар ўйнамок, никоҳ тўйида дўмбира чалдириш, кийиниш одоби, ўқувчиларга имтиҳондаги ҳолатига кўра фарқли баҳо қўйишнинг жоиз бўлиши каби кундалик ҳаётда кўп учрайдиган муаммоли саволларга ҳанафий мазҳаби нуқтаи назаридан жавоблар берилган.

Алломанинг **«Ал-Қуруд ва ад-дуйун»** (“Қарз турлари”) номли асарининг мавжудлиги муаллифнинг *«ал-Аъсила ва-л-ажвиба»* китобида қайд этилган. Аммо бугунги кунгача ушбу асарнинг сақланиб қолгани аниқланмаган.

Манбаларда **«Қуррат ал-айнайн фи ислоҳ ад-дорайн»** алломанинг асари деб кўрсатилган. Бу асарнинг ягона кўлёзма нусхаси маълум. У Миср миллий кутубхонасида I/340 рақами остида сақланади. Лекин аллома ўзининг бошқа асарларида бу китоб ҳақида ҳеч қандай маълумот қолдирмаган.

Алломанинг яна бир асари **«ал-Аъсила ва-л-ажвиба»** («Саволлар ва жавоблар») деб номланган. Асарда XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, урф-одатларга оид қимматли маълумотларни учратиш мумкин.

Мусанниф бу асарида XIII асргача ижод қилиб ўтган ҳанафий уламо ва фуқаҳолардан турли мавзуларда сўралган фикҳий саволларга берган жавобларини, асосан, араб, баъзан форс тилларида нақл қилади. Таҳорат, намоз, закот, рўза, ҳаж каби ибодатга доир ҳамда никоҳ, талоқ, қасам, жиноят ва жазо, тижорат, ҳалол-ҳаром каби ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий мавзулардаги савол ва жавоблар мажмуидир.

Ислом оламида шуҳрат топган юздан ортиқ фуқаҳо ва мужтаҳидларнинг берган фатволари саралаб олиниб, нақл қилинган. Демак, бу асар ёзилишига ўша даврдаги диний, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардаги ечимга зарурати бор саволларнинг йиғилиб қолганини сабаб дейиш мумкин.

Уструшанийнинг ўзига хос баён услубларидан бири ўзининг далилларини бошқа фақиҳларнинг фикридан кейинги ўринда келтиради. Фикҳий саволга билдирилган турли нуқтаи назарлар дастлаб зикр қилиниб, сўнгра мазҳаб доирасида танланган фикр келтирилади. Бундан ташқари, ҳанафий мазҳаби фақиҳларининг заифроқ далиллари ҳам олдин келтирилиб, кучлиси кейинга қолдирилади.

Уструшаний асарларида “шайхулислом ҳаза” (“бу шайхулислом”), “қола Машойихуна” (“бизнинг шайхларимиз, яъни устозларимиз дедилар”), “фи диёрино” (“бизнинг диёримизда”) каби ибораларни кенг қўллаган. “Шайхулислом ҳаза” (“бу шайхулислом”) ибораси шайхулислом Бурҳониддин Марғинонийни назарда тутати, “қола машойихуна” (“бизнинг шайхларимиз, яъни устозларимиз дедилар”) ибораси Самарқанд, Бухоро ва Уструшанадан чиққан Мовароуннаҳр уламоларига ишора, “фи диёрино” (“бизнинг диёримизда”) ибораси Мовароуннаҳр минтақасида жойлашган шаҳарларни назарда тутати. У кўпинча аклий далилни, кейин нақлий далил (оят, ҳадис)дан келтиради. Аллома Қуръони карим ва ҳадиси шарифларга жуда ҳам оз мурожаат қилган бўлиб, шунда ҳам алоҳида ҳурмат бажо келтирган. Бошқа далилларга ишора қилишда “баён қилганимиздек”, “юқорида зикр қилганимиздек” шаклидаги услубни қўллаган.

Муаллиф асарларини ёзишда ўзига хос бўлган қисқа сўзлар, истилоҳлар ва ихчам иборалардан ҳам кенг фойдаланганини алоҳида қайд этиш лозим. Аллома зарурат сезмаса, синоним ва керак бўлмаган ортиқча сўзлардан фойдаланмайди. Абу Ҳанифадан муайян мавзу бўйича ривоят

мавжуд бўлмаган ҳолда, масаланинг ечими улардан кейин мазҳаб бўйича мужтаҳид бўлган Абу Юсуф сўзи асосида фатво беради. Ундан кейин Муҳаммад, сўнгра Зуфар ва ундан сўнг Ҳасан ибн Зиёднинг раъйи ва назарига топширилади. Борди-ю улар орасида ҳам ихтилоф юз берса, Таҳовий ва унинг табақасида турган буюк олимларнинг сўзига эътибор берилади. Агар мазкур муҳаррижлар томонидан бирон фикр ва раъй билдирилган бўлмаса, Уструшаний масалани чуқур текшириб, ижтиҳод нуқтаи назаридан ўйлаб кўради ва муаммонинг ечимига яқин бир йўлни топишга уринади, масала бўйича ўринсиз сўз юритмайди. Шундан келиб чиқиб, уни ўз даврида пайдо бўлган диний-ижтимоий масалаларни мўътадиллик ва бағрикенглик асосида ечиб беришга катта ҳисса қўшган олим дейишимиз мумкин.

Олим ўз даври муаммоларини ечишда фақат диний ақидалар, ўзигача яратилган фикҳий асарларгагина эмас, балки мантикий далилларга ҳам таяниб иш кўрганлигини таъкидлаш зарур. Бу Уструшанийнинг чуқур ва кенг қамровли билимлар билан бир қаторда кучли иқтидор ва салоҳият соҳиби бўлганини кўрсатади. Уструшаний асарларида бизгача етиб келмаган манбалардаги бебаҳо маълумотлар сақлаб қолингани ҳам олим илмий меросининг қимматини янада оширади.

УСТРУШАНИЙ МЕРОСИДАН НАМУНАЛАР

Олди-сотди ва ҳадя масалалари бўйича вояга етмаган боланинг хабари

“Захира”¹нинг “Истеҳсон” бобида шундай дейилади: “Озод ёки қул бўлган вояга етмаган ўғил ёки қиз бола бир чўрини сотиш учун олиб келса, сўралмасдан олдин ундан сотиб олиши мумкин бўлмайди. Ҳолати (лаёқатлилиги) хусусида сўралганда тижоратда унга маъзун² бўлганлигини айтса, албатта у текширилади, агар бола тўғри сўзли (одил) бўлса ва текширилиб, савдога монелик топилмаса, барча нарса текширишдан олдинги ҳолатда қолади. Шунингдек, агар бу бола олиб келганини бировга совға қилмоқчи бўлса ёки садақа қилмоқчи бўлса, ўша одам унинг вояга етган ёки етмаганини сўраб билмагунича на совғани ва на садақани қабул қилмаслиги лозим. Агар бола совға ва садақа қилишда маъзунман деса, қози текширади ва текширув натижасига қараб ҳукм чиқаради. Текширув натижасида бирон монелик топилмаса, барча нарса текширишдан олдинги ҳолатда қолади.

Муҳаммад³ (Аллоҳ уни ўз раҳматига олсин) шундай деди: “Вояга етмаган боланинг “бу мол отамнинг ёки фалончи бегона кишининг моли” ёхуд “мавлоимнинг моли, уни

¹ **Захиратул-фатово:** Бурҳониддин Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ал-Бухорий (ваф. 616 ҳ.й.)нинг фикҳий асари. (Кашфуз зунун 2-жуз 1619-бет.)

² **Маъзун:** Рухсат берилган, изн берилган.

³ **Муҳаммад** – Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний. Абу Ҳанифанинг яқин шогирди. Унинг «ал-Жомеъ ал-кабир фил фикҳ», «ал-Жомеъ ас-сағир», «ал-Асл» ва бошқа фикҳий асарлари бор. Аллома 189 ҳ.й.да вафот этган. (Тожут-тарожим 54-бет.)

сенга совға ёки садақа тариқасида бериб юборди”, – деган сўзи текширилгандан ва тўғри экани аниқ бўлгандан сўнг ишонилади. Агар “у менинг молим, отам уни сенга садақа ёки совға қилишимга изн берди” деса уни қабул қилиши лозим эмас. Имом **шамсулаъимма ал-Халвой**⁴ (Аллоҳ уни ўз раҳматига олсин) шундай деган эди: “Вояга етмаган бола баққол олдиға пул билан келиб, ундан бир нарса сотиб олса ва онаси шундай қилишга буюрганини айтса, балки у собун ва шунга ўхшаш нарсани сўраса, унга сотишда ҳеч қандай зиён йўқ. Одатда ёш болалар ейдиган магиз ва шунга ўхшаш нарса сўраса, унга сотмаслиги лозим”.

Вояга етмаган бола қўлини тикқан идишда таҳорат олиш жоизми?

Унда яна зикр қилинишича: “Вояга етмаган бола қўлини ёки оёғини суви бор кўзага тикиб олса, қўлининг тоза эканини аниқ билса, ўша сув билан таҳорат қилиш мумкин. Агар унга нажас текканлигини билса жоиз эмас. Агар тоза ёки нажас эканлигини билмаса, бундан бошқа сув билан таҳорат қилиш мустаҳаб бўлади. Чунки бола кўпинча нажосатдан сақланмайди. Агар шу билан таҳорат қилса жоиз. Чунки поклик асл ҳолатдир. Нажосатлиги борасида эса шубҳа бор”.

Абдуссамад ал-Қалонсий⁵ шундай дейди: “Агар боланинг ёнида қаровчиси бўлса, сув пок ва покловчидир. Агар кўчада қаровчиси бўлмаса, бўш қўйиб юборилган товукларнинг қолдиғи каби сув ҳам макруҳ бўлади. Булар агар у билан ибодатни ирода қилмаган бўлса. Агар бу билан ибодатни ирода қилган бўлмаса, агар ирода қилган бўлса, биз уни айтиб ўтдик”.

⁴ **Шамсулаъимма ал-Халвой** – Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ ал-Халвой ал-Бухорий. Фақиҳ. Унинг «Мабсут», «Наводир», «ал-Фатово», «Шарҳ адабил қози» ва бошқа фикҳий асарлари бор. Аллома 448 ҳ.й.да Кешда вафот этган ва Бухорога дафн этилган. (Тожут тарожим 142-бет, Кашфуз-зунун 2-жуз 1224-бет, ал-Ансоб 4-жуз 194-бет, Табақотул-фуқаҳо 70-бет, ал-Аълом 4-жуз 136-бет.)

⁵ **Абдуссамад ал-Қалонисий** – «Китоб фикҳил имрои» асарининг муаллифи. Форс. (Кашфуз зунун 2-жуз 1288-бет).

Вояга етмаган боланинг қайт қилгани нажасми?

Унда яна зикр қилинишича: “Гўдак онаси кўкрагига қайт қилса, сўнг уч марта эмса, оғзи пок бўлади”. **“Тажнис”**да шундай дейилади: “Гўдак онасини эмиб, сўнг қайт қилса, шу нарса онанинг кийимига тегса, агар оғиз тўла бўлса, у нажас бўлади, агар дирҳам миқдоридан ошса, намознинг жоизлигига монелик қилади”.

Ал-Ҳасан⁶ Абу Ҳанифадан ривоят қилишича, қайт ҳаддан ташқари бўлмаса, монелик қилмайди. Чунки у ҳар томонлама ўзгармайди. Гўдак қайт этган нарса бавл нажосатидан паст туради. Зардоб сув бунга кирмайди. Чунки у ҳар томонлама ўзгарган бўлади. **“Ғариб ар-ривоя”**да **Абу Ҳанифа**дан шундай ривоятни накл қилишган. Бу тўғридир, агар қусуқ оғиз тўлишидан камроқ бўлса, болиг⁸нинг ҳукми каби нажас ҳисобланмайди.

Вояга етмаган маййит болани қўлда кўтариб бориш

“Шарҳ Таҳовий”да шундай дейилган: Вояга етмаган болани бир киши қўлида кўтариб бориши ва бошқа одамларнинг бир-бирига қўлма-қўл узатишининг зарари йўқ.

Вояга етмаган болани кафанлаш

Ўсмир бола кафанлаш масаласида (балоғатга етган) киши ҳукмида бўлади. Болани бир кийимда кафанлашнинг зарари йўқ. Аёлни икки кийимда кафанлаш макруҳдир. Ўсмир қизда ҳам шундай. Норасида қизни икки кийимда кафанлашнинг зарари йўқ. Чунки кафан ўлгандан кейинги кийимдир. У тирик ҳолатига қиёс этилади.

⁶ **Ҳасан ибн Зиёд** – Абу Али Ҳасан ибн Зиёд ал-Луълубий ал-Куфий. Факих. Абу Ҳанифанинг дўстларидан бири. Куфада Қози бўлган. Унинг «Адаб ал-қози», «Маонийул аймон», «ан-Нафақот», «ал-Хирож», «ал-Фаробиз», «ал-Васой», «ал-Амолий» каби фикҳий асарлари бор. У 204 ҳ.й.да вафот этган. (ал-Фавоъид ал-баҳиййа 60-бет).

⁷ **Ғариб ар-ривоя фи фуруъ ал-ханафиййа**: Сайидул имом Муҳаммад ибн Шужоъ ал-Алавийнинг фикҳий асари. Унинг таваллуд ва вафот санаси номаълум. (Кашфуз зунун 2-жуз 1207-бет).

⁸ **Болиг**: Вояга етган бола.

**Эркак, вояга етмаган бола ва аёлга
бирга жаноза ўқиш**

Али⁹(р.а.), **Ибн Масъуд**¹⁰ ва **Ибн Умар**¹¹дан шундай ривоят қилинган: Эркак, вояга етмаган бола ва аёлга бирга жаноза ўқилиши лозим бўлса, эркак имомга яқин қўйилади, сўнг вояга етмаган бола, ундан кейин аёллар қўйилади. Аёллар қиблага яқин қўйилади.

Муртаднинг боласига жаноза ўқиш

Заҳируддиннинг “Фатово”сида шундай дейилган: Агар эр-хотин муртад бўлиб, аёл ҳомиладор бўлса ва бола туғиб, боласи ўлса, унга жаноза ўқилмайди. Унга жаноза ўқилиш ҳукми мерос ҳукмига ҳилофдир.

**Вояга етмаган боланинг молидан
закот бериш лозимми?**

Қози имом **Абу Жаъфар Уструшаний “Мажолис”**¹² асарида шундай деган: Бизнинг наздимизда вояга етмаган боланинг молидан закот бериш лозим эмас. Имом **Шофеъийнинг** наздида эса балоғатга етган одамга лозим

⁹ **Али** (р.а.) – Али ибн Аби Толиб Амирул Муъминин Абу-л-Ҳасан ал-Қураший ал-Ҳошимий. Пайғамбар (с.а.в.)нинг амакиваччаси ва куёви. 8-9 ёшларида ёш болалардан биринчи бўлиб исломни қабул қилган. Али (р.а.) Абу Бакр (р.а.)дан аввал исломни қабул қилган. Манбаларда 53 ёшида баъзи бир манбаларда эса 58 ёшида ўлдирилган дейилади. (Сияр аълом ан-нубалоъ 2-жуз 615–660-бетлар, Тарих Бағдод 1-жуз 135-бет.)

¹⁰ **Ибн Масъуд** – Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Ғофил ибн Хубайб ибн Шамх Абу Абдурахмон ал-Маккий ал-Мухожирий ал-Бадрий. 6 ҳ.й.да исломни қабул қилган. (Сияр аълом ан-нубалоъ 3-жуз 290–314-бетлар, Рижол ҳавлар расул 141–149-бетлар.)

¹¹ **Ибн Умар** - Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб ибн Нуқайл ибн Риёх ... ал-Қураший. Абдуллоҳ отаси Умар (р.а.) билан бирга Расулulloҳ (с.а.в.) дан таълим олган. Отаси каби жуда омонатдор муттакий саҳобалардан эди. Охирги саҳоба ибн Умар 73 ҳ.й.да вафот этди. (Рижол ҳавлар расул 76–86-бетлар.)

¹² **Мажолис:** Муҳаммад ибн Умар Абу Жаъфар ал-Уструшанийнинг фикҳий асари. Аллома 400 ҳ.й.да Самарқандда вафот этган.

бўлганидек, вояга етмаган болага ҳам лозим. Вояга етмаган бола вояга етмай туриб имон келтириши вожиб бўлмаслигида ихтилоф йўк. Лекин агар мусулмон бўлса (бизнинг наздимизда) мусулмончилиги тўғри бўлади. Шофеъий наздида эса тўғри бўлмайди. Вояга етмаган болага рўза, намоз, ҳаж ва жиҳод ҳам вожиб бўлмаслигида ҳам ихтилоф йўк. Аёлининг нафақаси, ота-онасининг нафақаси ва қулларининг нафақаси унинг молидан берилиши вожиблигида ҳам ихтилоф йўк. Агар вояга етмаган боланинг ушр¹³ ёки хирож ери¹⁴ бўлса ушр ёки хирож тўлаши вожиблигида ҳам ихтилоф йўк. Чунки ушр ва хирож ерга вожиб бўлади. Закот эса зиммийга вожиб бўлади.

Вояга етмаган боланинг (мерос) молидан садакаи фитр бериладими?

Садакаи фитрга келадиган бўлсак, **Абу Ҳанифа**, **Абу Юсуф** ва **аш-Шофеъий**лар вояга етмаган боланинг молидан берилиши вожиб бўлади, дейишган. **Мухаммад** ва **Зуфар**¹⁵лар эса вояга етмаган боланинг молидан берилиши вожиб бўлмайди, дейишган. Агар боланинг моли бўлса, отага ҳам вожиб бўлмайди. Агар унинг моли бўлмаса, ота барча (фақиҳлар)нинг наздида бериши вожиб.

Болаларга закот бериш

“**Мултақот**”да шундай дейилган: Агар закот икки ҳайит муносабати билан (одатга кўра) болаларга ёки хушхабар айтган одамга ёки эрта пишган мева ёки райҳон ёхуд гилос ҳадя қилган одамга берса, закот ўрнига ўтади. Лекин бирор нарсанинг эвазига деб айтилса ўтмайди. Шунингдек, фитр садақаси ва назр қилинган садақаларда ҳам шундай.

¹³ **Ушр ери:** Ушр солиғи бериладиган ерлардир.

¹⁴ **Хирож ери** – Хирож солиғи тўланадиган, фатҳ билан олиниб сўнг ўз эгалари қўлида қолдирилган ерлардир.

¹⁵ **Зуфар** - Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс ал-Анбарий ал-Басрий. Абу Ҳанифа дўстларидан бири. Абу Ҳанифа Зуфарни «мусулмонлар имомларининг имоми» деб юксак таъриф берган. У Басрада қози лавозимида ишлаган. У 110 ҳ.й.да туғилиб, 48 ёшида 58 ҳ.й.да Басрада вафот этган.

Бой кишининг боласига закот бериш

“Захира”да шундай дейилади: Бойнинг вояга етмаган боласи бўлса, унга закотдан бериш жоиз эмас. Агар балоғатга етган ёшдаги фақир бўлса, унга бериш жоиздир. **Қудурий**¹⁶ шундай деган: Баъзи машойхларимиз “**ал-Жомеъ ас-сағир**”¹⁷нинг шарҳида шундай дейишган: **Абу Ҳанифанинг** қавлига кўра, бойнинг камбағал болалари катта бўлса ҳам, кичик бўлса ҳам уларга закотдан бериш жоиз. **Абу Юсуф** ва **Муҳаммадлар** эса катталарига бериш жоиз, кичикларига бериш жоиз эмас, дейишган.

Закотни болага бериш

Қози **Захируддиннинг** “**Фатово**”сида шундай дейилган: Ёки молининг закотини оқил фақир бўлган вояга етмаган болага берса жоиз. Шунингдек, ақлан носоғлом кишига берса ҳам жоиз. Мажнунга берса ҳам жоиз. Қози имом **Фаҳруддин** шундай дейди: Агар вояга етмаган ўсмир бола олса жоиз. Худди шундай молни қабул қилиб олишни тушуниб, уни ташлаб юбормаса ва алданиб қолмаса жоиз. Агар ақлан носоғлом фақирга берса жоиз.

Закотдан кийим-кечак ва озиқ-овқат бериш

«**Захира**»да шундай дейилган: Агар бир одам бир болани ўз қарамоғига олиб, кийинтириб, овқатини берса, у еган ва кийган нарсани молининг закотидан ҳисобласа, кийинтиришнинг қиймати борлиги жиҳатидан жоизлигида шубҳа йўқ. Чунки унда рукн мавжуд. Бу тамлик, яъни мулк сифатида беришдир. Овқатга келадиган бўлсак, айтганимиздек, ўз кўли билан берадиган нарса қиймат

¹⁶ **Қудурий** – Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий ал-Бағдодий 428 ҳ.й.да вафот этган. (Кашфуз зунун 2-жуз 1233-бет, ал-Фавоъид ал-баҳиййа 202-бет.)

¹⁷ **Ал-Жомеъ ас-сағир фил фуруъ** : Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. 189 ҳ.й.)нинг 1532 та масалани ўз ичига олган фикҳий асари.

жиҳатидан жоиз бўлади. Аммо у билан бирга ейдигани эса рухсатли бўлгани учун. **Абу Юсуф**нинг қавлига кўра бу ҳам қиймат жиҳатидан жоиз бўлади. **Муҳаммад**нинг қавлига кўра эса жоиз эмас. **Абу Юсуф**нинг қавли **Ҳишом**нинг «**Наводир**»¹⁸ида зикр қилинган.

«**Зиёdot**»¹⁹да айтилишича, закот бериши лозим бўлган кишига закотнинг пулига овқат сотиб олиши ва мискинларни чақириб эрталаб ва кечқурун овқат бериши жоиз эмас. Бу масалада ихтилоф нақл қилинмаган. Шайх **Абу Абдуллоҳ ал-Журжоний**²⁰ шундай деган: Фикримча бу **Муҳаммад**нинг қавли. **Абу Ҳанифа** ва **Абу Юсуф**ларнинг қавлларига кўра жоиз бўлса керак. Шунда закот фитр садақасига қиёсланган бўлади. Чунки фитр садақасида таом бериш **Абу Ҳанифа** ва **Абу Юсуф**ларнинг наздида жоиз. **Муҳаммад**нинг наздида эса жоиз эмас.

Кариндошларининг нафақасини закотдан бериш

Агар кози кариндошларининг нафақасини беришни тайин қилса, мол закотидан деб ният қилган ҳолда бу нафақани уларга берса, **Абу Ҳанифа**нинг қавлига кўра жоиз бўлади. **Муҳаммад**нинг қавлига кўра жоиз эмас.

Эркак киши болаларининг фитр садақасини бериши вожиб

Эркак киши вояга етмаган болалари номидан фитр садақасини бериши вожиб. Чунки (фитр садақасини бериш учун) у нафақа берадиган ва валийлик қиладиган бошлиқдир. Агар у болаларнинг моли бўлмаса. Агар моллари бўлса,

¹⁸ **Наводир**у **Ҳишом**: Ҳишом ибн Убайдуллоҳ ал-Мозил (ваф. 201 ҳ.й.)нинг фикхий асари. (Кашфуз зунун 2-жуз 1981-бет.)

¹⁹ **Зиёdot**: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (ваф. 189 ҳ.й.)нинг фикхий асари. (Кашфуз зунун 2-жуз 962-бет.)

²⁰ **Абу Абдуллоҳ ал-Журжоний** – Муҳаммад ибн Яҳё ибн Маҳдий Абу Абдуллоҳ ал-Журжоний. Журжон ахлидан. Бағдодда яшаган. (Вафоёт ал-аъён 1-жуз 508-бет, Тарихи Бағдод 3-жуз 427-бет, Лисонул мизон 4-жуз 427-бет, ал-Фавоъид ал-баҳийя 362-бет.)

Абу Ханифа ва **Абу Юсуф**ларнинг наздларида молларидан ҳам берилади. **Муҳаммад**нинг наздида берилмайди. Чунки шариат бунӣ ёрдам ўрнида жорий қилган ва у нафақа кабидир. «**Ҳидоя**»да шундай зикр қилинган.

**Вояга етмаган боланинг фитр садақасини
бериш бобога вожибми?**

Ота йўқ бўлган ҳолда бобога вояга етмаган боланинг фитр садақасини бериши вожибми? «**Зоҳир ур-ривоя**»га кўра вожиб бўлмайди. **Ҳасан**нинг ривоятига кўра эса вожиб. Бу ерда тўрт масаланинг ҳаммаси ушбу икки ривоятга биноан тартибланган: Биринчиси, айтиб ўтганимиз. Иккинчиси, бобога тобеъ қилиниб исломга мажбурлаш. Учинчиси, вало²¹нинг келиб чиқиши. Тўртинчиси, яқинларга васият қилиш. Буларнинг барчаси «**Ҳидоя**»нинг «Сияр» китобида кўрсатиб ўтилган. «**Тухфа**»²²да шундай дейилган: Агар ота тирик бўлиб, лекин у фақир бўлса ва унинг бой бобоси бўлса, барча ривоятларда бобонинг фитр садақасини бериши вожиб эмас. Чунки ота борлиги ҳолатида бобонинг ёрдам бериши лозим бўлса-да, бобонинг волийлик ҳаққи йўқ. **Шофеъий**нинг наздида бериши вожиб бўлади.

Отанинг фитр садақасини бериши болага вожиб эмас

Шунингдек, отанинг фитр садақасини бериш болага вожиб эмас. Яна аёлникини бериш эрга ҳам вожиб эмас. **Шофеъий** наздида эса вожиб бўлади. Чунки унинг наздида фитр садақаси айнан ёрдамга асосланади. Бизнинг наздимизда эса, ёрдам ва волийликка асосланади. Агар фақир отаси мажнун бўлса, ижмоъга кўра, унинг фитр садақасини боласи бериши вожиб. Чунки валоят ва ёрдамнинг барчаси мавжуд.

²¹ **Вало:** валий бўлиш, эга бўлиш.

²² **Тухфатул фуқаҳо:** Алоуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Самарқандийнинг фикҳий асари. Ҳанафий фақиҳларидан бири. У 575 х.й.да вафот этган. (Кашфуз зунун 1-жуз 371-бет, Муъжам ал-муъаллифин 8-жуз 267-бет.)

**Боланинг фитр садақаси отанинг
зиммасидан қачон соқит бўлади?**

Вояга етмаган бола мажнун ҳолда балоғатга етса, унинг фитр садақасини бериш отанинг зиммасидан соқит бўлмайди. Агар балоғатга етганида эс-хуши жойида бўлса, сўнг мажнун бўлса ёки ақлида ноқислик бўлса, фитр садақасини бериш вожиб эмас. Шайхул-ислом **Абу Бакр Хоҳарзода**²³нинг «Маъзун» китобининг «вояга етмаган боланинг изни» бобида шундай ёзилган.

Мажнуннинг фитр садақаси

Агар мажнуннинг моли бўлса, **Абу Ҳанифа** ва **Абу Юсуф**га кўра, мolidан фитр садақаси берилади. Агар моли бўлмаса, отаси унинг фитр садақасини бериши вожиб. **Муҳаммад**дан мажнун ҳолда балоғатга етган одам ҳақида қилинган ривоятда фитр садақаси отанинг зиммасида дейилган. Агар хушидан кетиб, сўнг мажнун бўлса, отага ҳеч нарса вожиб эмас.

Мажнун боласининг фитр садақаси

Ҳишомнинг «**Наводир**»ида шундай дейилган: Болалигида мажнун бўлган киши боласи туғилгунича ушбу ҳолатида бўлса, боласининг фитр садақасини бериши вожиб эмас. Шайх имом **Абу Абдуллоҳ ал-Журжоний** шундай дейди: менинг фикримча **Абу Ҳанифа** ва **Абу Юсуф** қавлига кўра фитрни бериши вожиб. Шунингдек, кулининг фитрини ҳам бериши вожиб. **Муҳаммад** наздида эса боласининг ҳам боласига тегишли кулнинг ҳам фитрини бериши вожиб эмас.

²³ **Абу Бакр Хоҳарзода** – Шайхул-ислом **Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Абу Бакр ал-Бухорий**. Хоҳарзода ва Жавоҳирзода номлари билан машҳур. Мовароуннаҳрда ҳанафий шайхларидан бири. Факих. Унинг «ал-Мабсут», «ал-Мухтасар», «Маъзун», «ат-Тажнис» ва бошқа фикхий асарлари бор. Бухорода туғилиб, 483 х.й.да шу ерда вафот этган. (ал-Фавоъид ал-баҳиййа 163–164-бетлар, ал-Жавоҳир ал-музиййа 3-жуз 141–142-бетлар.)

**Эмизикли аёл Рамазон ойида боласи
учун дори ичиши жоизми?**

Насафийнинг «**Фатово**»²⁴сида шундай дейилган: Шундай савол беришди: Қорин оғриғи билан оғриган ўлим хавфи бўлган эмизикли бола ҳақида сўралди. Бир аёл уни эмизиш учун ёлланган. Табиблар агар шу аёл берилган дорини ичса, бола тузалиб кетади деб ўйлашяпти. Бу Рамазон ойида содир бўлаётган ҳодиса. Аёл шу узрни рўкач қилиб оғзини очиши жоизми? У шундай жавоб берди: Агар табиблар бу борада аниқ билимга эга бўлса ҳа, бўлади. Қози имом **Заҳириддин**²⁵ шундай зикр қилган: Бу табибнинг мусулмон ёки кофирлигига боғлиқ. Масалан, бир мусулмон киши таяммум билан намоз ўқиса ва бир кофир одам олдиға келиб сув бераман, деса намозини бузмайди. Эҳтимол унинг мақсади намозини бузишдир. Рўзада ҳам шундай.

**Ҳомиладор ва эмизикли аёл боласидан
хавфсираса, оғиз очиши мумкин**

Қудурийнинг “**Мухтасар**”²⁶ида шундай дейилган: Ҳомиладор ва эмизикли аёл ўзидан ёки боласидан (касал бўлиб қолади деб) хавфсираса, оғзини очади ва кейин қазосини тутиб беради. Бундай аёлға фидя берилиши вожиб эмас.

Онага эмизиш мажбур қилинадими?

Ёш болани эмизишда асос Аллоҳ таолонинг: “**Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бу муддат)**

²⁴ **Ал-Фатово ан-насафиййа:** Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Аллома Самарқандда «Соҳибул манзума» номи билан машҳур бўлган. У 537 ҳ.й.да вафот этган. (ал-Фавоъид ал-баҳиййа 190-бет, Қашфуз зунун 2-жуз 1230-бет.)

²⁵ **Заҳириддин** – Қози Заҳириддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий 619 ҳ.й.да вафот этган. (Қашфуз зунун 2-жуз 1226-бет.)

²⁶ **Мухтасар ал-Қудурий:** Абу Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Қудурий ал-Бағдодий (ваф. 428 ҳ.й.)нинг фикҳий асари. (Қашфуз зунун 2-жуз 1233-бет.)

эмизишни камолига етказишни истовчилар учундир”²⁷ оятидир.

Бу масала бўйича уламолар ихтилоф қилишган. Баъзи уламолар: Бу фақат оналарнинг шундай қилишлари ҳақидаги хабардир. Унда эмизишни оналар зиммасига юклаш мазмуни йўқ”, дейишган. Баъзилар эса: Унда – **“Талоқ қилинган аёллар ўзларига қараб, уч ҳайз муддати (ўтишини) кутиб ўтирадилар”²⁸** ояти каби хабар сийғасида бўлса ҳам, – оналарга эмизишни юклаш мазмуни бор”, дейишган.

Баъзи бир уламолар фикрича: Она ўз боласини эмизишга мажбур қилинмайди. Чунки эмизиш нафақа ўрнидадир. Болаларнинг нафақаси оналарга эмас, оталарга юклатилган. Эмизиш ҳам шундай.

Абу Ҳанифа ва **Абу Юсуф** наздиларида Агар бола онасидан бошқасининг сутини эммаётган бўлса ва уни эмизадиган одам бўлмаса, она эмизишга мажбур қилинади. Бунинг боиси шуки, агар мажбур қилинмаса ва бола сут ичмаса бу боланинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Она боласини нобуд қилиши таъқиқланган. Заҳҳок шундй дейди: Агар боланинг ёки отанинг моли бўлмаса она эмизишга мажбур қилинади.

Юкоридаги фикрлардан **Уструшаний** шундай хулоса қилади: Агар никоҳ давом этиб турган бўлса она эмизгани учун ҳақ унга жоиз эмас. Чунки унга эмизиш – ҳуқуқий жиҳатдан уни бунга мажбурланмайдиган бўлса ҳам, – дин нуқтаи назаридан вожибдир. Дин жиҳатида мажбурияти бўла туриб, меҳнат ҳақи олиш жоиз эмас. Худди уй ичидаги ишлар учун эридан иш ҳақи олиши жоиз бўлмаганидек. Зеро, уй ичидаги ишлар дин жиҳатидан унинг мажбуриятидир. Имом

²⁷ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсирлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – Б. 37. “Бақара” сураси, 233-оят. (Бундан кейин: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири).

²⁸ Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Б. 36. “Бақара” сураси, 228-оят.

Уструшаний уламолар томонидан билдирилган мазкур эътирозларни келтирар экан, фақиҳ сифатида уларнинг барчасини ҳам қабул қилавермаган.

Эмизиш харажатлари

Агар болани эмизадиган одам бўлса эмизиш – агар боланинг моли бўлмаса, – отанинг зиммасида бўлади. Агар унинг моли бўлса эмизиш харажатлари боланинг молидан олинади. Шунингдек, сутдан чиққандан сўнг боланинг нафақаси, – унинг моли бўлса, – молидан олинади, отага юкланмайди. Боланинг нафақаси билан хотинларнинг нафақалари ўртасидаги фарқ шуки, хотин бой бўлса ҳам унинг нафақаси эр зиммасида бўлади.

Эмизиш жойи

Агар она мажбур қилинмаса ва боланинг моли бўлмаса, ота эмизиш учун аёл ёллаши лозим бўлади. Аёл болани онасининг олдида эмизади, онасидан ажратмайди. Зеро уммат парваришlash онанинг ҳаққи эканлигига ижмо қилинган. Лекин агар шартномада бошқа ҳол кўзда тутилмаган бўлса аёл онанинг уйида қолмаслиги зарур. Бу ҳолда бола аёлга боғланмаслиги керак. Аёл болани эмизиб, сўнг уйига кетиши керак. Агар шартномада онанинг олдида эмизиши шарт қилинмаган бўлса аёл болани уйига олиб бориб эмизиши ҳам мумкин. Агар шартномада аёл онасининг олдида бўлиши лозим деб кўрсатилган бўлса бунга риоя этиши лозим.

Доя ёллаш тўғрисида

Бир киши фарзандига доялик қилиш учун бир йилга доя ёллагач, бир ой ўтиб ота оламдан ўтса, шунда вояга етмаган шахснинг аммаси дояга «Сиз болани эмизаверинг, ҳаққини берамиз» деб айтгач, доя уни бир неча ой эмизса, ушбу ҳолат юзасидан шундай фикрлар билдирилган: Ота доя ёллаётганда вояга етмаган боласининг(мерос қилинган) ўз мулки бўлмаса, у ҳолда ушбу хизмат ҳаққини ота ўз маблағидан тўлаш лозим

бўлади. Шу боис ота оламдан ўтиши билан ушбу битим бекор бўлади. Отанинг ўлиmidан кейин амманинг ушбу айтган сўзи агар (ота томонидан) аммага васийлик ҳуқуқи берилмаган бўлса, ушбу сўз мазкур битим амма томонидан янги тузилганлигини билдириб, доя хизмати учун ҳақни тўлашлик мажбурияти унинг зиммасида бўлади.

Агар аммага васийлик ҳуқуқи берилган бўлса, ушбу хизмат ҳаққини тўлашлик мажбурияти вояга етмаган шахс зиммасида бўлади. Агар ота ушбу битимни тузаётганда вояга етмаган шахснинг ўзининг шахсий мулки бўлса, отанинг ўлими сабаби билан бекор бўлмайди. Агар ота ушбу битимни тузаётганда вояга етмаган шахснинг ўз шахсий мулки бўлмай, кейинчалик ўз шахсий мулкига эга бўлса юқоридаги ҳолатлар юзасидан қандай қарор қилишлик мумкин деган масала бўйича қози, имом **Заҳириддин** (р.а.) ўзининг «**Фатово**» асарида шундай дейди: «Отамдан ушбу ҳолат юзасидан фатво сўрашганда, у киши отанинг ўлимигача бўлган доя хизмат ҳаққини тўлашлик отанинг зиммасида, отанинг ўлиmidан кейинги доя хизмат ҳаққи вояга етмаган шахснинг шахсий маблағидан тўланади»²⁹.

Дояни болани емизишга мажбурлаш

Бир киши бир ойда доя ёллаб, бир ой ўтгач, доя бозорда белгиланган нархга болани емизишдан бош тортса ва бола ушбу доядан бошқасининг кўкрагини оғзига олмайдиган ҳолат юзага келган бўлса, у ҳолда **Муҳаммад** (р.а.) фикрича, доя бозорда белгиланган нарх бўйича болани емизишга мажбур қилинади. Баъзи бир уламолар фикрича, бу агар доянинг турмуш ўртоғи бўлмасагина жоиз, агар доянинг эри бўлса ва у хотинининг бу ишига рухсат бермаса, унинг бунга ҳуқуқи бор, агар боланинг ҳаёти хавф остида бўлса ҳам мажбур қилинмайди³⁰.

²⁹ Жомий аҳком ас-сиғор. – Ж. 2. – Б. 19.

³⁰ Ўша асар. – Ж. 2. – Б. 20–21.

Дояга тақиқланган ҳолатлар

Болага зарар келтирадиган, масалан доя узоқ вақт уйдан чиқиб кетиб, болани қаровсиз қолдириб кетиши каби ҳолатларни доя ёллаган шахс дояга тақиқлаб қўйиш ҳуқуқига эга. Агар доянинг ҳаракати болага зарар келтирмаса, масалан доя намоз вақтларида уйдан чиқиб кетса, бу каби ҳаракатларни ман этиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, болага зарар келтириши мумкин деган эҳтимолий ҳаракатларини ҳам тақиқлаш ҳуқуқига эга эмас³¹.

Доя ёллаш битимини бекор қилиш

Бошқа битимларда бўлгани каби доя ёллаш битимида ҳам, баъзи сабабларга кўра битимни бекор қилиш мумкин. Масалан, бола дояни эммаса, ёки эмган сутини қайт қилиб ташласа, доя сути айниб қолса, доя касалликка чалинса, хонадонда ўғрилиқ қилса, фоҳишалиқ қилса, баъзи бир сабабларга кўра бола оиласи ёқтирмай қолса ёки у бадахлоқ ва оғзи шалоқ бўлса битим бекор қилинади.

Бола номидан эҳром боғлаш

Қози имом **Фахруддин “Фатово”**сида шундай деган: Агар бир киши ўз оиласи ва вояга етмаган боласи билан бирга ҳаж қилса, (уламолар) бола номидан унинг энг яқин қариндоши эҳром боғлайди, ҳатто ота билан ака бирга бўлиб қолишса, унинг номидан ака эмас, ота эҳром боғлайди, дейишган.

Бола агар ҳаж амалларининг баъзиларини тарк қилса унга ҳеч нарса вожиб бўлмайди

Агар ўзи адо қилишни тушунса, ҳаж арконларининг ҳаммасини бажаради ва балоғатга етган одам қилган ишларни қилади. Агар вояга етмаган бола тош отиш ва шунга ўхшаш ҳаж амалларидан баъзисини тарк қилса унга ҳеч нарса лозим эмас. “**ал-Асл**”да яна шундай дейилган. Бола номидан ота эҳром боғлаши керак бўлган масалалар мажнун учун ҳам тегишлидир.

³¹ Жомий аҳком ас-сиғор – Ж. 2. – Б. 21–22.

**Боласи номидан эҳромга кириб
тақиқланган амални қилса**

Ота агар вояга етмаган боласи номидан эҳромга кириб эҳромда тақиқланган амаллардан баъзисини қилса, боланинг эҳроми сабабли унга ҳеч нарса лозим бўлмайди. “Захира”да ҳам шундай дейилган.

Боланинг ҳажи фарз ҳаж ўрнига ўтмайди

Қози имом Заҳируддиннинг “Фатово”сида шундай дейилган. Агар бола отаси билан бирга ҳаж қилса, бу фарз ҳаж ўрнига ўтмайди, балки иёода қилиши(қайтариши) лозим. Шунингдек, агар кул ҳаж қилса, сўнг озод қилинса, қайта ҳаж қилиши лозим. Кофир ҳам шундай. Фақир бундай қилмайди. Фарқ шуки, фақир қачон молга эга бўлса, имкон пайдо бўлади ва мажбурият юзага келади. Қулда бундай эмас. Чунки унда имкон йўқ, хожаси унга қаршилиқ қилиши мумкин.

Ҳажнинг вожиблик шартлари

“Шарҳи Таҳовий”да шундай дейилган: Озод бўлиш, балоғатга етиш ҳажнинг шартларидандир. Мусулмон бўлиш ҳам худди шундай. Ҳажга борган ҳар қандай кул, агар ўн марта ҳаж қилган бўлса ҳам, озод бўлса, фарз ҳажни қайтадан адо этиши шарт. Зеро, Расулulloҳ “Ҳар қандай вояга етмаган бола ўн марта ҳаж қилган бўлса ҳам балоғатга етса фарз ҳажни адо этиш вожиб. Ҳар қандай аъробий ўн марта ҳаж қилган бўлса ҳам, хижрат қилса фарз ҳажни адо этиши вожиб”³², деганлар. Яъни исломдан олдин аъробий деганда кофир ирода қилинди, хижрат деганда эса ислом назарда тутилди.

**Эҳром боғлаган вояга етмаган боланинг
валийсига лозим бўлган нарсалар**

Унда яна шундай зикр қилинган: Эҳром боғлаган вояга етмаган боланинг валийси қуйидагиларни адо этиши лозим:

³² Ҳоким "Мустадрок"ида ривоят қилган ҳадис. 1-жуз, 481-бет.

вояга етмаган болани ечинтириб, ювинтиради; изор ва ридони кийдиради; эҳромга кирган киши эҳром вақтида сақланиши лозим бўлган нарсалардан қайтаради, шу сабабли вояга етмаган бола эҳромдалигида тақиқланган нарсалардан бирортасини қилса, болага ҳам валийига ҳам ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Чунки бола масъул эмас. Агар ҳажни бузса, қазоси вожиб эмас. Агар ҳарамда ов қилса, худди шундай болага ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Чунки бу Аллоҳ таолонинг ҳақидир. Вояга етмаган бола эса Аллоҳнинг ҳақи масаласида жавобгар эмас. Бундан қул мустасно. Чунки қул эҳромга кирса, сўнг эҳромда тақиқланган озуқани тановул қилса, қаралади: агар бу амали рўза тутиши жоиз бўлган амаллардан бўлса, каффоратига рўза тутати, агар рўза жоиз бўлмай, фақат қон чиқариш керак бўлса, фақат қон чиқаради ёки етим-есирларга таом беради. Буларнинг барчасини озод бўлгандан сўнг қилади. Агар қуллик ҳолатида қилса, жоиз бўлмайди. Агар унинг номидан хожаси ёки буйруғига кўра ёхуд буйруғисиз ўзидан бошқаси қилса ҳам, жоиз бўлмайди. Аллоҳ билгувчидир.

Кафоатни эътиборга олиш

“**Ал-Мухит**”³³ да шундай зикр қилинган: отаси ва бобосидан бошқа киши қизни ижтимоий ҳолати тенг ёки яқин бўлмаган кишига никоҳласа, бу борада на олдинги ва на кейинги олимларимиздан ҳеч қандай ривоят йўқ. **Ал-Фазлий**³⁴ айтадики, маҳрни камайитириш масаласига қиёсан ушбу никоҳ ҳеч қандай эътирозсиз жоиз бўлмаслиги керак.

³³ **Ал-Мухит ал-Бурхоний фи-л-фикҳ ан-Нуъмоний**: Бурхонуддин Махмуд ибн Тожиддин Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза ал-Бухорий (ваф. 616/1220)нинг фикҳий асари. (Кашф аз-зунун. – Ж. 2. – Б. 1619.)

³⁴ **Ал-Фазлий** – Абу Амр Усмон ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Асадий ал-Фазлий ал-Бухорий 426/1035 йили туғилиб, 508/1115 йилда вафот этган. (ал-Фавоъид ал-баҳия. – Б. 238; Кашф аз-зунун. – Ж. 3. – Б. 1227; ал-Жавоҳир ал-мудийя. – Ж.2. – Б. 515.)

“Фатово Абй-л-Лайс”³⁵ да шундай дейилган: Отаси ва бобосидан бошқа киши ёш қизни ижтимоий жиҳатдан тенги бўлмаган кишига никоҳласа, сўнг қиз балогатга етиб, никоҳни жоиз деб билса ҳам, жоиз бўлмайди. Чунки ушбу никоҳ мавкуф бўлмаган. Зеро, унга ижозат берадиган киши йўқ бўлган. Яна тенги бўлмаган кишига никоҳи жоиз эмас. **“Ал-Жомий ас-сағир”** да шундай зикр қилинган: отаси ва бобосидан бошқа киши ёш қизни маҳри ва нафақасини таъминлай олмайдиган тенги бўлмаган кишига никоҳласа, кўпчилик машойихларимиз никоҳ фосиддир, дейишган.

Баъзилари жоиз дейишади. Аммо тўғриси биринчисидир. Фақиҳ Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний³⁶ шундай дейди: Ёш қиз камбағал бўлса, эр нафақасини таъминлашга қодир бўлса, мислий маҳрини беришга қодир бўлмаса ҳам, никоҳи жоиз. Чунки ёш қиз нафақага муҳтож. Агар қиз бой бўлса, эр мислий маҳрини бера олмаса, никоҳ жоиз эмас. Аммо бошқа томондан илм, пайгамбар хонадонидан бўлиш каби бойликка тенг ва ундан юқори бўладиган устунликка эга бўлса, никоҳ жоиздир. Ушбу фикрга кўра уламолар вояга етган қиз мислий маҳрига қодир бўлмаган, аммо ушбу жиҳатдан устунликка эга кишига никоҳланса, жоиз. **“Ал-Жомий ал-асғар”**³⁷нинг “Никоҳ” бобида шундай дейилган: Валийларнинг никоҳни бекор қилишга ҳаққи йўқ.

Барча фақиҳларнинг келишуви асосида, ҳеч ким оқила ва озод қизни ўзи истамаган йигит билан турмуш қуришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмас. Фақат имом **Шофъий** бокира қизни оқила ва болиға бўлганига қарамасдан, биров

³⁵ **Фатово Абй-л-Лайс**: Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ас-Самарқандий (ваф. 375/986)нинг фикҳий асари. (Кашф аз-зунун. – Ж. 2. – Б. 1981.)

³⁶ **Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний** – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Абу Жаъфар ал-Ҳиндувоний ал-Балхий (ваф. 362/973). (Тож ат-тарожим. – Б. 63.)

³⁷ **Ал-Жомий ал-асғар**: Муҳаммад ибн Валид Абу Али ас-Самарқандий (ваф. 478/1086)нинг фикҳий асари. (ал-Фавоъид ал-баҳия. – Б. 262.)

билан турмуш куришга мажбурлаш ваколатини унинг валийси (отаси, бобоси)га берган бўлса ҳам, ҳеч ким унинг бу фикрини қўллаб-қувватламаган.

Ҳанафий мазҳабида эркинлик принципи, айниқса, турмушга чиқиш масаласида балоғатга етган оқила қизни мажбурламаслик ва сафиҳ (ақли кам бўлган) киши, шунингдек, қарздор кишини тасарруфдан ман этмаслик каби масалаларда яққол кўзга ташланади.

Абу Ҳанифа аёлга ўз тақдирини ўзи белгилаб оила куриш учун эркинлик берса ҳам, унинг турмуш ўртоғи (эри) оиласига қуфув (тенг) бўлишини шарт қилиб қўяди. Бунга биноан агар бир киз ўз валийси розилигини олмасдан, унинг оиласига тенг (муносиб) бўлмаган ва оила учун иснод келтирадиган эркакка турмушга чикса, ҳанафий мазҳаби бўйича **Фахруддин Қозихон** ривоятига кўра, шунингдек, **Абу Юсуф** фикрича, никоҳ битими фосид бўлади (бузилади).

Аммо **Абу Ҳанифа** фикрича, баъзан аёл ўз турмуш ўртоғини танлашда хатога йўл қўйиб, оила учун иснод келтириши мумкин. Фақиҳлар ана шу нуқтаи назардан қизнинг ўзи ота ёки валийнинг иштирокисиз турмушга чиқишини тақиқлаганлар. **Абу Ҳанифа** фикрига кўра, аёлнинг эркинлигига қайд қўйиб, уни чеклаш ўзидан ўзи катта зарар ҳисобланади. Юз бериши ёки юз бермаслиги эҳтимоли мавжуд бўлган бошқа бир зарар (иснод келтириш) учун, аёлнинг эркинлигини чеклашга йўл қўйиб бўлмайди. Шундай қилиб, **Абу Ҳанифа** назариясига биноан, аёл ўз эркини сақлаб қолади, борди-ю ўз танлаши орқали оилага ору иснод келтирса, никоҳ фосид бўлиб (бузилиб), ҳам унинг эркинлиги, ҳам оила эътибори сақланиб қолади.

Фақиҳлар оқила ва болиға қизни ўзи истамаган киши билан турмуш куришга мажбур қилмаслик бўйича **Абу Ҳанифа** фикрига қўшилган бўлсалар ҳам, бир ўринда у билан ихтилоф қилганлар, яъни қизнинг валийси уни турмуш куришга мажбурлай олмайди ва у, ўз валийсининг иродасига қарамасдан турмушга чиқа олади, лекин унинг (қизнинг) сўзлари никоҳ битимини тузиш учун етарли бўлмагани сабабли, валийси

битим маросимида иштирок этади, негаки, фақат валий никоҳ битимини тузиш ваколатига эга.

Лекин **Абу Ҳанифа**, кўпчилик фақиҳларнинг бундай фикрига қўшилмай, уларнинг ҳаммасига қарши туради ва барча фақиҳлар орасида ўз мустакил фикрини сақлаб қолади.

Абу Ҳанифа ўзининг ушбу назарияси билан бошқалардан ажралиб туриши шундан далолат берадики, у инсон шахсиятининг эркинлигига катта эътибор ва аҳамият берган эди. **Абу Ҳанифа** таъкидлашича, аёл мол-мулк соҳасида тўла ваколатга эга бўлганидек, тазвиж (ўзига эр танлаш) бўйича ҳам тўла ваколатга эга бўлиши лозим. Унингча, аёл ва эркак никоҳ битимини тузишда ҳеч қандай имтиёзсиз тенг ҳуқуққа эга бўлишлари зарур.

Она қачон эмизишдан бош тортишга ҳақли бўлади?

Агар никоҳ бекор бўлмаган, ражъий талоқда идда сақлаб турган пайтда, икки ривоятдан бирига кўра боин ва уч талоқда идда сақлаб ўтирган пайтда эмизиш ҳақиқага эга бўлмаса ҳам, онаси эмизишдан бош тортиши мумкин ва бунга мажбур қилинмайди. Лекин юқорида олдинроқ зикр қилинган шартлар асосида бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ал-Уструшаний Абу-л-Фатҳ Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн. Ал-Асъила ва-л-ажвиба // Қўлёзма. Тошкент: ЎзР ФА ШИ, № 3109/ I.
2. Абу Абдуллоҳ Ёқут ибн Абдуллоҳ ал-Ҳамавий. Муъжам ал-булдон. / Фарид Абдулазиз ал-Жундий. 8 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
3. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. Ал-Ансоб. / Абдуллоҳ ибн Умар ал-Борудий таҳрири остида. 5 жилдли – Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
4. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Муҳаммад ал-Форёбий таҳрири остида. – Саудия Арабистони: Мактабат ал-Кавсар, 1991. – 622 б.
5. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий. Матлаъ ан-нужум ва-мажмаъ ал-улум // Қўлёзма Тошкент. – ЎзР ФА ШИ. – Қўлёзмалар асосий фонди. –№ 1462. – 353 в.
6. Абдулқодир ат-Тамимий. Мунтахаб табақот ал-ҳанафия // Қўлёзма. Тошкент: ЎзР ФА ШИ. № 2533/V.
7. Абдулҳай ал-Лакнавий. Ал-Фавоъид ал-баҳия фи тарожим ал-ҳанафия. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1972 .
8. Абдулқодир ибн Муҳаммад Амин. Мажмуъ ал-ансоб ва-л-ашжор. Қўлёзма. Тошкент: проф. Шодмон Воҳидовнинг шахсий кутубхонаси. № 201.

9. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб ал-Бағдодий. Тарих Бағдод ав Мадинат ас-Салом: 14 жилдли / Мустафо Абдулқодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1997.
10. Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абилвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Қураший ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-музийя фий табақот ал-ҳанафия / Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳалв таҳрири остида. 5 жилдли. – Ҳижр ли-т-тибоат ва-н-нашр ва-т-тавзиъ ва-л-иълон, 1993.
11. Ан-Наимий. Ад-Дорис фи тарих ал-мадорис. –Дамашк, 1370 ҳ.й.
12. Бетгер Е.К. Извлечение из книг “Пути и страны” Абу-л-Касима ибн Хаукаля. // Труды САГУ. Вып. СХІ. –Т., 1957.
13. Жўзжоний А.Ш., Юсупова Н.Ж. Бурҳониддин Марғиноний: ҳаёти ва илмий мероси. –Т.: Akademiya, 2007. - 56 бет.
14. Зириклий. Ал-Аълум. 10 жилдли. – Байрут: Дор ал-илм лил-малайин, 1999.
15. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Саъда Абдулкарима ибн Муҳаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии. – Т.: Фан, 1993. – 184 б.
16. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
18. Комилов М. Мовароуннаҳрда фикҳ илмининг ривожии ва фақиҳ Алоуддин Самарқандий. Т.: Истиклол, 2006.
19. Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Мунтахаб ал-аълум ал-ахёр фий табақот ал-ҳанафия ал-мухтор

- ва улмо ал-осор ва машойих ал-кибор // Қўлёзма. Тошкент. ЎзР ФА ШИ № 2533/IV.
20. Муминов А.К. «Катаиб аълам ал-ахйар» ал-Кафави (ум. 990 /1582) как источник по истории ислама в Мавераннахре (III/IX-VII/XIV вв.) Дис. канд. ист. наук. – Л.: Ленинградское отделение Института востоковедение АН СССР, 1991.
21. Мустафо ибн Абдуллоҳ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан аъсом ал-кутуб ва-л-фунун. Дор ал-фикр. Ливан-Байрут, 1402–1982.
22. Қориев. О. Ал-Марғиноний – машхур фикҳшунос. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси, 2000. – 46 бет.
23. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1990.
24. Brockelmann С. Geschichte der arabischen Litteratur SB I. – Leiden. 1937.
25. Özel A. Hanefi fıkıh alimleri. Ankara, 1990.
26. Olga A. Papachristou / Leonid M. Swertschkow. Eisen aus Ustruschana und Tiegelstahl aus dem Fergana-Becken// DER ANSCHNITT. 1993. № 4. 122-130 s.
27. Ünal. H. Mâverâünnehir fakihlerinden el-Usrüşenî // Erciyes Üniversitesi İlahiyat fakültesi Dergisi. – Kayseri. – 1986. № 3.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Уструшанийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти	4
Алломанинг илмий мероси.....	9
Уструшаний меросидан намуналар	25
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	44

Муслим АТАЕВ

ИМОМ УСТРУШАНИЙ

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент–2010

Муҳаррир *Б.Эралиев*
Мусахҳиҳ *У.Инсонбоева*
Саҳифаловчи *И.Караджаев, С.Жўраева*

Босишга 2009 йил 15 декабрда рухсат берилди. Бичими
84x108 $\frac{1}{32}$. Офсет босма. Шартли б.т. 2.52. Нашр т. 2,48. Адади
250 дона. Буюртма № 72. Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий кўчаси, 11.